

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган



Ижтимоий-сиёсий газета № 4 (1330), 2025 йил 8 январь, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН



Ислохотлар сарҳисоби

“Тўрт йил аввал автоҳалокатга учраб, ўнг оёғим қаттиқ жароҳатланди. Узоқ вақт доволандим, кейин протез олиш учун тегишли идораларга кўмак сўраб бордим. Улар берган ҳужжат асосида протез воситалари ишлаб чиқариладиган корхонага бир неча бор мурожаат қилдим. “Эҳтиёт қисмлар йўқ, кейинроқ келинг”, деган жавобдан сўнг бу ишдан натижа бўлишига кўзим етмай, бошқа йўллар орқали олиш ҳаракатига тушдим. Амаллаб протез сотиб олиб, фойдаланиб келаётгандим.



МЕҲР ВА КЎМАК

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСА, ЭҲТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ

2024 йил баҳор фасли эди. Бир кун эшик тақиллади, чиқсам, маҳаллада иш бошлаган ижтимоий ходим келибди. “Сиз анчадан бери протез олмаган экансиз, қандоқ юрибсиз, ахволингиз қандай?” деб сўради. Эскиси билан амаллаб юрганимни айтдим. Шунда у йигит ижтимоий

ҳимоя бўйича янги агентлик очилгани, кўмакка муҳтожлар ҳолидан бирма-бир хабар олинаётганини айтиб, шахсий маълумотларим ва телефон рақамимни ёзиб кетди.

► Давоми 3-бетда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТГА САДОҚАТ



УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЧЕКСИЗ СЕВИШ ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОННИНГ ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТИ ҲИСОБЛАНАДИ

Яна санокли кунлардан кейин Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни байрами кенг нишонланади.

Қуролли Кучларимиз бугунги кунда нафақат юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг таянчи, балки ўзбек халқи ватанпарварлиги, бирлиги ва қудратининг ҳақиқий рамзига айланди.

Ватан бу — минг йиллар мобайнида сайқалланиб, кишилар руҳига илҳом берувчи, мард ўғлонларни жасоратга, керак бўлса, она замин учун борини беришга ундовчи муқаддас туйғу. Миллий гурури, миллий ифтихор ҳар қандай ишмизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Ватанпарварлик — Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, халқнинг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-гайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатади.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев айтганидек: “Бугунги кунда глобал ахборот маконидаги қарама-қаршилик, инсон, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”.



► Давоми 2-бетда

Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигига



ТУРКИСТОН ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИ ОТАСИ

2020 йил 25 январда “Янги Ўзбекистон” газетасининг нишона сони ўқувчилар қўлига етиб борган эди. Унда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси чоп этилганди. Ана ўша залворли маъруза мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан дунё юзини кўрган янги газетанинг истиқболдаги кенг қўлланма мақсад ва вазифаларини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари билдирган ўша давр учун жуда зарур ва долзарб мавзулар қаторида “2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб давларида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуг аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади. Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак,

халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”, деган сўзлар миллимиз зиёлилари кутган, кўнгилларга нур индирган гап бўлди.

Ўша йили буюк маърифатпарвар, ёзувчи, публицист, драматург ва жамоат арбоби, жадидлик ҳаракатининг етакчиларидан бири, миллият ва тил фидойиси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўплаб тадбирлар — халқаро конференция, илмий анжуман, адабий кечалар ўтказилди, олим ва ёзувчиларнинг мақола ҳамда рисоалари эълон қилинди, театр асарлари сахналаштирилиб, бадний-ҳужжатли

фильмлар суратга олинди. Президентимиз ташаббуси билан бажарилган энг эзгу ишларнинг яна бири сифатида буй кўрсатган Адиллар хисбони миллат фидойиларининг чексиз илму зиёси билан нурланди. Пойтахтимизда барпо этилган маскандан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг муаззам ҳайкали ўрин олди. Самарқанд шаҳрида бобомизнинг уй-музеи ташкил қилинган мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа сифатида эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари фармонида кўра, аллома “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

► Давоми 6-бетда

“ЭКОЛОГИК ИЗ” “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ОРҚАЛИ ЎЧИРИЛАДИ

Инсон ўз эҳтиёжи учун турли объектлар барпо этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, энергетика, сув ҳамда хомашё манбаларидан фойдаланиш жараёнида табиатга муайян даражада салбий таъсир кўрсатади. Бу таъсир, масалан, “углерод изи” ёки “сув изи” каби кўрсаткичлар орқали аниқланадиган “экологик из” сифатида намоён бўлади. Афсуски, бу кўп ҳолларда табиат ва атроф-муҳит учун зарарли оқибатлар келтириб чиқаради.

Мақзур зарарни камайтириш учун иқтисодий фаолиятни мутаносиб ва барқарор ривожлантириш талаб этилади. Бунда қайта тикланувчи энергетика манбаларига эътибор қаратган ҳолда энергия ишлаб чиқаришни экологик жиҳатдан самарали йўлга қўйиш, сув ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндини қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, табиатни тиклаш ва муҳофаза қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади. Айтиш мумкин, иқтисодий жараёнлар “яшил” йўналишда иқтисодий жараёнлар “яшил”

иқтисодиёт модели асосида такомиллаштирилиши керак. Яъни иқтисодиёт нафақат иқтисодий ўсишни назарда тутиш, балки иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни енгилаштириш, табиий ресурсларнинг узоқ мuddатли барқарорлигини таъминлаш, сайёрамиздаги экологик мувозанатни сақлашни ҳам мақсад қилиб олиши лозим. Бу эса жамият, иқтисодиёт ва экология манфаатларини яхлит ҳолда кўриб чиқиш, уларни уйғунлаштиришни талаб этади.

► Давоми 4-бетда

ЧЕКСИЗ ИМКОНиятлар рўёби

ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Таълим одимлари

Замон шиддат билан ривожланипти. Бугунги дунёнинг энг катта бойлиги инсон капитали бўлиб қолмоқда. Таълимга йўналтирилган инвестиция кун келиб, ақлли бошлар етишиб чиқишига замин ҳозирлаши, бу ўз ўрнида юрт тараққиётига хизмат қилиши ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум. Имом Бухорийнинг “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмаган”, деган машҳур ҳикмати Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган шу кунларда янада катта аҳамият касб этаётир. Нажот таълимда экан, болага илк ёшларданоз зарур таълим-тарбия берилмоғи кун тартибидagi масалалардан бири бўлиб қолаверади.

► Давоми 5-бетда



Боқий мерос

Халқларнинг шаклланиши, жамиятларнинг ҳар томонлама тараққий этишида қадриятларнинг ўрни катта. Улар асрлар давомида инсониятнинг яшаш тўғрисидаги қарашларини акс эттирган бой маданий меросдир.

Ўтмиши узоқ даврга бориб тақаладиган кураш ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири. Бу спорт тури қадимдан эр йигитларнинг жисмоний ҳамда маънавий етуқлик намунаси ўлароқ қадрланган. Бежиз ота-боболаримиз курашни “тарбия мактаби” дейишмаган. Боиси, шахс комиллиги унинг ақлий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан тарбия топишига боғлиқ.

КУРАШЛАРДА ТОБЛАНИБ

ЁХУД МОЗИЙ БАҒРИДАГИ ҚАДРИЯТ

Юртимизда сўнгги йилларда миллий спорт турларини оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга жалб қилиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, курашнинг ривожлантириш бўйича ҳам. Президентимизнинг 2020 йил 4 ноябрь куни имзоланган “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг яққол далилидир.

► Давоми 5-бетда





14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТГА САДОҚАТ

УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЧЕКСИЗ СЕВИШ ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОННИНГ ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТИ ҲИСОБЛАНАДИ

Ҳарбий йўналишдаги ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ҳам Ватанини жон-жонидан сеувчи, унинг равнақи ва озодлиги учун элим, юртим деб ёниб яшайдиган мард ўғлонлар, ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялаб, вояга етказишдир. Бу тарбия, албатта, ахлоқий, меҳнат, эстетик, сиёсий ҳамда жисмоний турлар билан узвий боғлиқликда олиб борилиши керак. Тарбия турлари орасида ҳарбий-ватанпарварлик муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган саккиз йилда миллий армиямизни ислоҳ қилиш, Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмасини ва дислокация тизимини такомиллаштириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника намуналари билан жиҳозлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлиги, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу даврда бўлинмаларнинг техник ва захира таъминоти тизими тубдан қайта қўриб чиқилди, дутсорсинг хизматлари ва ҳарбий кластерлар тизими жорий қилинди. Мудофаа соноати мажмуаси корхоналари фаол ривожлантирилмоқда, айрим турда-



Шухрат ҲОТАМОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети доценти,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори, полковник

ги қурол-яроғ ва техника турларини ишлаб чиқариш ва модернизация қилишни маҳаллийлаштириш бошланди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, “Жасорат мактаблари”даги ўқув йигинларига 5 мингдан зиёд ёшлар жалб қилинди. Ҳарбий шаҳарчаларда “Темир дафтар”га кирган оилаларнинг фарзандлари учун фан, спорт ва санъат турлари бўйича тўғрак ва секциялар ташкил этиш, уларни бригада командирлари ҳамда ҳарбий окрут қўмондонларига бириктириш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самарадорлиги, ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллиги, жанговар руҳи ва

психологик шайлиги сезиларли даражада ошди. Ҳарбий олий таълим муассасалари фаолиятида ҳарбий кадрларни илгор технологиялар асосида тайёрлаш бўйича янги тизим жорий қилинди. Бундан ташқари, ҳарбий соҳани рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қўшинларни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда, алоқа тизимлари такомиллаштирилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жаҳонда содир бўлаётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда Қуролли Кучларнинг қудрати, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, Қуролли Кучларнинг рақамли салоҳиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, қўшинларнинг жанговар руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, ўқув жараёнларига ҳарбий тайёргарликнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш ана шулар жумласидан.

Хусусан, Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари, ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий мудофаа тадбирларида ўқувчи ёшлар Қуролли Кучларимиз сафларидаги бўлажак хизматлари ва Ватанимиз ҳимояси учун зарур бўлган билим, кўника ва малакани ўзлаштиради. Улар бу машғулотлар ва тадбирлар давомида ҳарбий иш ва хизмат асосларида дастлабки маълумотларни олади. Қурол-



Ташлим-тарбия масаласи доим ҳар бир давлат учун муҳим вазифа ҳисобланади. Сабаби, дунёдаги ривожланган давлатлар тарихий тажрибасига назар ташласак, аввало, уларда бутун жамият ҳаётини ўзгартаришга қаратилган ҳар бир ислохот таълим тизимидан бошланган. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асоси, пойдевори ҳарбий таълим муассасалари ҳисобланади.

ли Кучларимиз тарихи, бугунги кундаги фаолияти ва салоҳияти, қўшин турлари, уларнинг вазифалари, хизмат қилиш тартиблари каби зарур билимларни чуқур ўрганади.



Тарихдан маълумки, кўп урушлар натижаси жанг қилаётган томонлар қўшинларининг руҳий ҳолатига боғлиқ бўлган. Демак, бизнинг вазифамиз ўз Ватанига чексиз садоқатли, руҳий жиҳатдан етук ёш авлодни тарбиялаш, уларда Ватан равнақи, мустақиллиги учун зарур бўлса, жонини фидо этишга тайёр бўлишдек хислатларни шакллантиришдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳарбий соҳадаги ислохотларда ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда замон талабларига мос олий ҳарбий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қўмондонлик ва техник кадрлар тайёрлайдиган, бир неча ўқув муассасаларини бирлаштирган кўп босқичли ҳарбий таълим тизими яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети шулардан бири.

Ушбу ҳарбий таълим муассасасида таълим олаётган курсантлар учун барча шароитлар яратилган, ўқув хоналари кенг ва ёруғ, замонавий техникалар билан таъ-



Ушбу олий ҳарбий муассасанинг ташкил этилиши ва мазкур соҳада малакали офицер кадрларни тайёрлаши фикримиз тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 15 апрелдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қайта ташкил топган ушбу маскан малакали кадрларни мақсадли тайёрлайдиган олий ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2024 йил 29 август куни Жамоат хавфсизлиги университетидаги таширифи чоғида университетнинг капитал таъмирланган ўқув бинолари, спорт мажмуаси ва ўқув-услубий ситуация маркази ҳамда ҳар бири 300 ўринга мўлжалланган 6 та замонавий ётоқхона шароитларини кўздан кечирди.

Президентимиз офицер ва курсантлар билан мулоқотда дуал таълимни кенг жорий қилиш, ўқув дастурини бутунги хавфхатарларга мослаштириб бориш бўйича кўрсатмалар берди.

Ушбу ҳарбий таълим муассасасида таълим олаётган курсантлар учун барча шароитлар яратилган, ўқув хоналари кенг ва ёруғ, замонавий техникалар билан таъ-

Ҳарбий таълим муассасасида таълим олаётган курсантлар учун барча шароитлар яратилган, ўқув хоналари кенг ва ёруғ, замонавий техникалар билан таъминланган. Ахборот-ресурс марказида 90 мингдан зиёд адабиёт ва ўқув қўлланмаси, 10 мингдан ортиқ электрон адабиётлар мавжуд. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва олий таълим муассасаларининг ягона электрон кутубхона ахборот тизими базаларига уланган.

минланган. Ахборот-ресурс марказида 90 мингдан зиёд адабиёт ва ўқув қўлланмаси, 10 мингдан ортиқ электрон адабиётлар мавжуд. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва олий таълим муассасаларининг ягона электрон кутубхона ахборот тизими базаларига уланган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари университетнинг янги спорт мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Икки қаватли мажмуада бассейн, тренажёр ва кроссфитзали, бокс, кўпқураш майдонлари ташкил этилган. Спорт залида гимнастика, мини футбол, гандбол, волейбол, баскетбол, стол теннис билан бирга баландлик тайёргарлиги ва эвакуация машғулотларини ўтказиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, университетга 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фуқаролик талабалар қабул қилина бошлаган. Бакалавриятда 15, магистратурада 8 йўналиш бор. Бугунги кунда бакалавриятда мингдан ортиқ курсант, махсус йўналиш, сиртқи таълим ва магистратурада яна шунча ёшлар тахсил оляпти. Уларга жами 209 нафар ўқитувчи, профессор ва фан докторлари сабоқ бермоқда. Ҳарбий таълим муассасасининг илмий салоҳияти ҳам кундан кунга ошиб борапти. Ташкил этилган йили бу бор-йўғи 10 фоиз бўлса, айни пайтда 75 фоиздан ортиқлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда бўлсак, таълим-тарбия масаласи доим ҳар бир давлат учун муҳим вазифа ҳисобланади. Сабаби, дунёдаги ривожланган давлатлар тарихий тажрибасига назар ташласак, аввало, уларда бутун жамият ҳаётини ўзгартаришга қаратилган ҳар бир ислохот таълим тизимидан бошланган. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асоси, пойдевори ҳарбий таълим муассасалари ҳисобланади.

Бизнинг асосий вазифамиз ҳам ёшларни ана шу жараёнга жалб қилиш, улар онгига Ўзбекистон келажаги айнан ёшлар қўлида эканини сингдириш, кундалик машғулотлар, турли тадбирлар давомида уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини уйғотишдир.

Инсон қадри учун, инсон бахти учун!

МАСЪУЛЛИК ЁН ҚАРРАГА ОШДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига йўлаган Янги йил табриғида “Инсон қадри учун, инсон бахти учун!” деган олижаноб мақсад яна бир бор тилга олиндики, ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш, шубҳасиз, барчамиз, айниқса, миллий иқтисодиётимизнинг асосий устунига айланган маҳаллий тадбиркорлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Зеро, табриқда 2025 йилда бизнес учун янада кенг имкониятлар яратилиши, жумладан, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ишлари қатъий давом эттирилиши таъкидланди. Демак, Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили миллионлаб тадбиркорларимиз учун қўшимча имконият ва имтиёзлар йили бўлади.

Таҳлилларга кўра, янги Ўзбекистонда бошқа соҳа ва тизимлар қатори тадбиркорлик фаолияти ҳам изчил ривожланиб, йилдан йилга мулкдорлар сони ортапти. Агар 2019 йили расман фаолият юритаётган ташкилотлар сони 324 мингдан зиёддир ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига улар сони қариб 600 мингга етди. Бу яна деҳқон ва фермер хўжалиқларини ҳисобга олмагандаги кўрсаткич. Шу ўринда 2022 ва 2023 йилларда корхона ва ташкилотлар сони кескин кўпайганини айтиш жоиз. Бунга, асосан, аввалги йилларда яратилган қулай шароит, солиқ ва божхона имтиёзлари сабаб бўлди дейиш мумкин.

Ана шундай преференциялар туфайли хусусий тадбиркорлик — кичик бизнес ўз

фаолиятини барқарорлаштирди. Айни пайтда микрофирма ва кичик корхоналар сони 500 мингга яқинлашгани шундан далолат беради.

Биламизки, ижтимоий-сиёсий беқарорлик, иқтисодиётдаги депсинишлар, хусусан, солиқ тизимидаги адолатсизлик тадбиркорликнинг бош кушандаси ҳисобланади. Бундай шароитда тадбиркор ўз ишини тўхтатди ёки нолегал йўллар қидиради. Ишонсизлик туфайли ҳатто тадбиркорлар бошқа қулай ҳудудларни излай бошлайди.

Минг шукрки, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар даврида ана шундай ишонсизликларга барҳам берилди. Янни мамлакатимизда хусусий сектор ривожига стратегик ёндашув пайдо бўлгани тадбиркорларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Буни 2024 йилда 50 мингдан зиёд янги тадбиркорлик тузилмалари рўйхатдан ўтганида ҳам кўриш мумкин.

Энг муҳими, бунга янги Ўзбекистон ислохотларининг ҳар бир қадами ҳукуқий асосга таянгани сабаб бўлмоқда. Жорий йилда ҳам бу жараён давом этиши бежиз таъкидланмапти.



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Таҳлилчиларнинг фикрича, 2024 йилда 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача айланма маблағи бўлган тадбиркорлар сони 2 баробарга ортган. Бундай рақамлар миллий иқтисодиёт устунига айланаётган хусусий сектор фаолияти барқарорлашгани, тадбиркорлик барча соҳа ва тизимларда ўз ўрнини топаётганини кўрсатади, албатта.

Бундан 2 ойча олдин — Президентимизнинг янгиланган Олий Мажлисининг биринчи — тарихий мажлисидаги нутқида ҳам

хусусий сектор, мулкдорлар қатламни қўллаб-қувватлаш миллий иқтисодиётимизга кенг йўл очишига эътибор қаратилган эди. Бундай ғоя ва ташаббусларнинг депутатлик мақоми, сайловчининг депутатга билдирган ишончи ва, албатта, халқ вакиллари зиммасига юклатилаётган вазифалар фондида илгари сурилаётган эса биз, депутатлар зиммасидаги масъулиятни ўн чандон оширади.

Айниқса, Президентимизнинг “Депутат — халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир. Ойлага, маҳалла ва бутун жамиятга тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини қатъий ҳимоя қилишда халқимиз, барчамиз аввало, Сизларга таянамиз”, деган гаплари бирон-бир халқ вакилини бефарқ қолдирмади.

Давлатимиз раҳбари маърузасида парламент назоратининг сиёсий назорат эканидан тортиб, қўйи палатада Ҳукумат аъзосининг ҳисоботини эшитишгача, олдинги қақриқ давридаги тор доирали парламент назоратидан энди кенг қўламли, энг асосийси, сифатли назорат тизимига ўтиш зарурлигига бирма-бир кўрсатилади, булар бўйича қимматли тавсиялар ҳам берилган.

Президент нутқида ҳукуқий маконни, ҳукуқий муносабатларни такомиллаштириш, бу масалага бирламчи эътибор қаратиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланди. Шунингдек, янги даврда парламентни

чинакам халқ уйига, қўйи палатани эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айлантириш лозимлиги бежиз гапирилмадики, бу бизга электрлат, янни сайловчи манфаати учун тизимли ишлар олиб бориб, партияимизнинг сайловолди дастуридagi вазифалар билангина чекланиб қолмай, бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар талабига монанд иш олиб боришимиз лозимлигини ҳам кўрсатади. Зеро, янги Ўзбекистон ислохотларининг талаби ҳам шу, аслида.

Парламентни ислохотларнинг етакчи кучига айлантириш масаласи бу — кўпмиллатли халқимиз талаби эканини ҳам доимо ёдда тутишимиз керак. Мана, саккиз йилдирки, Президентимиз ташаббуси ва сиёсий иродаси билан ана шу эзгу мақсад сари қадам-қадам борапти.

Энди янги парламент қўйи палатасида 12 та эмас, 10 та янгиланган қўмита фаолият юритапти. Ушбу ўзгаришнинг муҳимлиги шундаки, илк бор парламентда маҳаллий тадбиркорлар манфаатига тўғридан тўғри хизмат қилувчи Тадбиркорлик, рақобат ва саноат қўмитаси тuzилди. Ушбу қўмита иқтисодиётимизнинг етакчи қатлами бўлган тадбиркорликка энди қонунчилик нуқтан назаридан қараш вақти келганини аналтади.

Давлатимиз раҳбари ана шу ўзгаришга муносабат билдирар экан, энди палатадаги қўмиталар аъзолари билим ва тажрибасини тизимсиз ошириб, масъулиятни чуқур ҳис этиб, янада кўпроқ меҳнат қилишлари лозимлигини, чунки пухта билим, профессионал

малака, юксак фазилат ва тафаккурга эга депутатгина қуруқ гап ва популизмдан йироқ бўлишини таъкидлади.

“Яна бир муҳим масала — парламент қўмиталари вазирликлар билан ишлашда фақат назорат ва талаб этиш эмас, балки улар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга аҳамият берса, айни муддао бўлади.

Энг катта камчилик — вазирликлар қўйи бўғинда, айниқса, туман ва шаҳар даражасида самарали иш ташкил эта олмапти. Энди аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, одамларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш улар учун бош вазифа бўлиши керак. Бундан буюн ҳар бир раҳбар ва мутасадди фаолиятига айнан шу мезон асосида баҳо берилади. Талабга жавоб берадиган раҳбарлар ишлайди, бўлмаса, улар билан хайрлашмай.

Ҳурматли депутатларимиз ҳам ваколатлари доирасида ўз округларидаги туман ва шаҳар даражасида сўров ва талабни ҳеч тортинмасдан қўчайтиришлари керак. Чунки халқимизнинг ўзи биздан ана шундай жонбозлик кўрсатиб ишлашни талаб этмоқда...”.

Президентимизнинг ушбу фикрлари янги Ўзбекистонда янгича ёндашув ва қарашларга кенг ўрин берилётганини, энди эскича ишлаб бўлмаслигини аналтади, албатта.

Бундан ташқари, ҳар бир қўмита қошида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан рақобат жамоатчилик кенгашлари ҳам тузиляптики, бу парламент ва фракциялар қарори, ҳулосасининг халқчиллашишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, эндиги вазифамиз юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини парламент ва депутатлик ваколатидан тўғри фойдаланиб, самарали ҳимоя қилишдан иборат.



“

Бугунги кунда камбағал оилаларда ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг одамга ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, ака-укаси ёки опа-сингилси қараб ўтирибди. Жорий йилдан маҳалладаги ижтимоий ходимлар ва хусусий сектор иштирокида бу одамларнинг 19 минг нафарига уйда, 4000 кишига кундузги қатнов асосида қараб туриш йўлга қўйилади. Натижада яқин кишисига қараб турган 15 минг аҳолининг ишлашига шароит яратилади.



Ислохотлар сарҳисоби

Бошланиши 1-бета

Уч кун ўтмасдан телефон қилиб қақирди, борсам менга янги протез тайёрлаб қўйишган экан, кийиб кўрсам оёғимга қолипдай тушди, енгил, сифатли, ҳар томонлама қулай. Тўғриси, бундай имконият бўлиши етти ухлаб тушимга ҳам қирмаган эди. Ушандан бери кийиб юрибман, оёғим бут бўлди гўё. Қўчадаги ишларимни бемалол битказиб келаман, хоҳласам сайрга ҳам чиқиб кетавераман. Бундан қувонам бўладими! Биз, муҳтожларни қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатаётгани учун Президентимизга минг раҳмат”.

Тошкентлик Насрулла Исматуллаевнинг бу сўзлари юртимизда бугун амалга оширилаётган инсонларвар ижтимоий сиёсат туфайли ҳаётига ёруғлик инган минглаб

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

инсонларнинг ҳам кўнглида жўш урмоқда, десак муболага бўлмайди. Уларнинг ҳаётига мазмун, бахтиёрлик бахш этаётган бундай ўзгаришларга ўз-ўзидан эришилмагани ҳам ҳақиқат.

Зеро, бу соҳа 30 йил олдинги тизимда қолиб кетган, фақат давлат ажратган пулни тарқатиш билан шугулланган. Бу айрим одамларни ўзини ўнглаб олишга эмас, ёрдам кутиб яшашига ўргатиб қўйган. Мисол учун, меҳнатга лаёқатли кишиларга ҳам нафақа тўлаб келинган. Ногиронлиги борларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётига қайтаришга етарлича эътибор берилмаган.

2024 йил 20 февраль кuni ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу тизимни тубдан ислоҳ қилиш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллилиги ва натижадорлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлаб, “Бу соҳада умумий ишлаб бўлмайди. Ҳар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашиш лозим. Ижтимоий хизмат тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади”, деганди.

Мазкур йиғилишда шу борадаги устувор вазифалар белгиланиб, аввало, ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш масалалари кўриб чиқилганди.

62 мақсадга жамланган
фаровонлик

2024 йил мобайнида бу йўналишда яна бир қатор тадбирлар ўтказилди, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада жамиятимизнинг бошқа соҳалари қаторида ижтимоий ҳимоя тизимида ҳам қўллаб янгиллик ва ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, мутахассисларнинг таъкидлашича, биргина ўтган йилнинг ўзида Президентимиз томонидан ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш бўйича 34 та муҳим янгиллик илгари сурилди ва шу асосда иш олиб борилди.

Давлатимиз раҳбари расмийлашди 13 декабрь кuni ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида яна 28 та янги ташаббус илгари сурилди. Шуниси қувонарлики, бундай муҳим гоё ва ташаббуслар соҳа учун бутунлай янгиллик бўлиб, қозғода қолиб кетаётгани йўқ, бунинг самараси халқимиз, айниқса, камбағал оилалар, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларнинг ҳаётида катта ўзгариш ясамоқда. Буни ҳар биримиз ўз яқинларимиз, қўни-қўшимиз, қолаверса, камбағал оилаларнинг ҳаёти яхшиланаётгани, ногиронлиги бор шахсларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки тобора кенгайиб бораётгани мисолида яққол ҳис этиб турибмиз.

Бу ўзгаришларни аниқ мисоллар асосида ифода этадиган бўлсак, 2024 йилда 102 та ижтимоий хизмат маҳалла даражасида туширилди. Масалан, олдин одамлар протез учун ҳар хил комиссиялар ва поликлиникада 2 ой сарсон бўлган бўлса, ҳозир бу масала икки ҳафтада маҳаллада хал бўлмоқда. Ногиронлиги борларга бериладиган протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 30 тага, маблағи эса 1,5 баробарга оширилди. Бунинг эвазига 100 минг одамнинг эҳтиёжи таъминланди. Энг муҳими, эндиликда бундай воситаларга эҳтиёжи бор инсонлар ўзига керакли

бўлган маҳсулотни электрон тизимда ўзи танлаётти. Бу ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат ва сифат яхшиланишига ҳам замин яратмоқда.


Маҳалладаги ижтимоий ходимлар уйма-уй юриб, яқунланган йил мобайнида реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтожга ёрдам кўрсатди. 51 минг одамга ногиронлик белгиланди, 26 минг киши протез олди, ногиронлиги бор 5 минг бола боғча, мактабга жойлашди. Бундан ташқари, муҳтож бўлмаганларга асоссиз нафақа тўлашнинг олди олинди, қисқарган харажатлар бюджетда қолдирилди.

Ижтимоий ҳимоя, аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, дегандир. Бу борада кўзланган мақсадларга тўла эришиш учун жамиятда инсон ҳуқуқини поймол этадиган, шаъни ва қадр-қимматини



“

Маҳалладаги ижтимоий ходимлар уйма-уй юриб, яқунланган йил мобайнида реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтожга ёрдам кўрсатди. 51 минг одамга ногиронлик белгиланди, 26 минг киши протез олди, ногиронлиги бор 5 минг бола боғча, мактабга жойлашди. Бундан ташқари, муҳтож бўлмаганларга асоссиз нафақа тўлашнинг олди олинди, қисқарган харажатлар бюджетда қолдирилди.

МЕҲР ВА КЎМАК
ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИ ЙЎЛГА
ҚЎЙИЛСА, ЭҲТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАР
ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ

камситадиган ҳар қандай муаммонинг олдини олиш лозим.

Хусусан, жамиятда таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларига барҳам бериш зарур. Сир эмас, яқин-яқингача ҳаётимизда бундай иллатлар борлиги сир тутилар, бу ҳолат муаммога ечим топиш туғул, уни ошкор этишга ҳам тўсқинлик қиларди. Натижада бундан, энг аввало, жамиятнинг заиф қатламлари кўпроқ жабр кўрар, адолат ва тенглик тамойиллари қарор топишига тўсқинлик қиларди. Кейинги йиллардаги янгиланишлар натижасида бундай иллатларга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аввало, соҳадар ишларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Таҳдид ва зўравонликка учраган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш амалиёти тубдан ўзгартрилди. Таъйиққа учраганларга уч босқичли “маҳалла — туман — вилоят” тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий қилинди. Эндиликда таъйиқ ҳолати доимий ўрганилиб, кузатиб борилади, ҳимоя ордери талаб қилмасдан ижтимоий хизматлар кўрсатилади, ариза талаб этмаган ҳолда бошпана ва чуқур реабилитация қилиш учун психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади.

— Ижтимоий ҳимоя жамиятда барқарорлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим асоси, — дейди Мирзо Улугбек туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори Илбёбек Мамадалиев. — Шу бос, бу борадаги чора-тадбирларни амалга ошириш давлатимизнинг стратегик вазифаларидан бирига айланди. Ижтимоий ҳимоя соҳасида туманимизда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 70 та маҳалланинг ҳар бирида ижтимоий ходим фаолияти йўлга қўйилди. Аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятларини баҳолаш орқали уларга индивидуал тартибда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш чоралари кўриломоқда. Барча ижтимоий хизмат ва ёрдам жойларда амалга оширилаётгани инсон манфаатини муҳофазалашда яхши самара бермоқда.

Ижтимоий карта нима
учун керак?

Айни пайтда ижтимоий ҳимоя тизими юртимиз бўйлаб шу тахлит кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Унинг ўзига хос жиҳатлари ва афзалликларини аниқ ифода этиш мақсадида янгиланган жорий этилиши ва уларнинг самараларини қуйидаги тартибга санаб ўтсак.



“

КАМБАҒАЛ ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИ ЧЕТ ТИЛИ, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНИ ҲАМ МУҲИМ ЯНГИЛИК БЎЛДИ. ХУСУСАН, ЧЕТ ТИЛИГА 40 МИНГ, КАСБ-ХУНАРГА 15 МИНГ, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА 7 МИНГ, ТЎТАРАКЛАРГА 31 МИНГ ЁШЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ, 25 МИНГ НАФАР ЁШЛАР ОЛИЙЎҒОҒГА ТАЙЁРЛАНАДИ.



Бундан ташқари, ҳозирги кунда “Саховат ва кўмак” жамағатасидан маблағ ажратиб “маҳалла еттичилиги” нинг коллегал қарори орқали жойларда адолатли ва шаффоф тарзда амалга оширилмоқда. Бу янгиллик ҳам ажратилган ёрдам аниқ манзилига етиб боришини таъминлаш ва халқимизни рози қилишга хизмат қилапти. Қолаверса, олдин ногиронлик гуруҳини белгилаш ёки гуруҳини ўзгартириш

келинган бўлса, энди босқичма-босқич ушбу хизматни кўрсатиш учун хусусий сектордан тадбиркорлар жалб этиляпти. Бу йўналишда Мирзо Улугбек туманидан эксперимент тариқасида “Хамроҳ” хусусий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатувчи корхонага 41 нафар ёлғиз кесалар аутсорсинг асосида бириктирилди. Уларга уйларда комплекс тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати кўрсатиляпти.

Энг муҳим йўналишлардан бири бу — ижтимоий карта тизими. Ҳозирги кунда 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун фуқароларимиз тўғилганлик, ногиронлик тўғрисида, пенсия, талабалик гувоҳнома, банк картаси каби 10 дан ортиқ ҳужжатни кўтариб юришга мажбур.

Президентимиз бундай овозагарчиликка чек қўйиш вақти келганини таъкидлаб, барча ҳужжатларнинг ўрнини босадиган битта ҳужжат — ижтимоий карта жорий этилишини эълон қилди. Ижтимоий карта билан автобус ва метрода бепул юриш, электр, газ ва ўқш харажатига компенсация олиш мумкин бўлади, нафақа ва ёрдам пуллари ҳам шу картага тушади. Бу тизим 1 июлгача Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида синовдан ўтказилди, йил якунигача ҳамма жойда ишга туширилади.

Яна бир тажриба — 2024 йил ногиронлиги бор болалар учун 73 та кундузги парваришлаш ва “Ғамхўрлик” гуруҳлари ташкил қилинди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигидан маълум қилишларича, мазкур гуруҳларга 500 дан ортиқ оғир турдаги ногиронлиги бўлган болалар йўналтирилган. Уларнинг “Ғамхўрлик” гуруҳларига қатнаши натижасида ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларга ижтимоий ҳордиқ олиш ва бирор-бир меҳнат фаолияти билан шугулланиш имконияти яратиб берилди. Ушбу гуруҳлар ҳар бир боланинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, тарбиялаш ва жамиятга мослашишида оилага яқиндан ёрдам бермоқда.

Эндиликда бу йўналишдаги ишлар кенгайтирилиб, соҳага хусусий секторни олиб кириш учун қўшимча имкониятлар яратилади. Яъни тадбиркорларга ҳар бир бола учун кунига 100 минг сўмдан субсидия, хоналарни жиҳозлашга 30 миллион сўмгача арзон кредит ажратилади. Бунинг ҳисобига Қорақалпоғистон, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ногиронлиги бор 2 минг болани кундузги парваришлаш тизими йўлга қўйилади. Бу тизим 1 октябргача қолган вилоятларда ҳам жорий қилинади.

Бугунги кунда камбағал оилаларда ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг одамга ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, ака-укаси ёки опа-сингилси қараб ўтирибди. Жорий йилдан маҳалладаги ижтимоий ходимлар ва хусусий сектор иштирокида бу одамларнинг 19 минг нафарига уйда, 4000 кишига кундузги қатнов асосида қараб туриш йўлга қўйилади. Натижада яқин кишисига қараб турган 15 минг аҳолининг ишлашига шароит яратилади. Хусусий сектор вакилларига шундай хизмат учун харажатларининг 80 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади. Ушбу тажриба Тошкент шаҳрида 1 мартгача, бошқа ҳудудларда йил якунигача йўлга қўйилади. Бу юртимиздаги юртилаётган кучли ижтимоий сиёсат янада юқори, янги босқичга кўтарилишига замин яратяди.

Спорт — саломатлик гарови. Жисмонан фаол бўлган инсон ўқинида ҳам, ишда ҳам яхши натижаларга эришади. Ногиронлиги бор инсонларнинг ҳам соғлигини асраш ва руҳий ҳолатини яхшилашда спортнинг аҳамияти катта.

Маълумотларга кўра, дунёда ногиронлиги бор одамларга тўғри келади 100 дан ортиқ спорт тури бор. Лекин бизда бундай одамларга спорт билан шугулланишга фақат 22 та тур бўйича тиббий хулоса берилади. Эндиликда халқаро андозалар асосида ногиронлиги борларга спорт турлари ҳам кенгайтирилади, уларнинг бунга лаёқати касаллик турига қараб автоматик белгиланади. Натижада спорт билан шугулланишга йўллана олиши мумкин бўлган ногиронлиги борлар сон 286 мингдан 440 мингга ошади.

Жорий йилда адаптив спорт қамровини 1,6 баробарга ошириб, 45 мингга етказиш кўзда тутилган. Уларни спорт билан шугуллантирадиган мураббийлар ойлги 1 январдан 1,5 баробар оширилади. Жойлардаги 130 та спорт мактаби, 90 та махсус таълим муассасаси ва 29 та “Мурувват” уйидаги спорт объектлари адаптив спорт турларига мослаштирилади. Худудларда 300 та янги “воркаут” майдончалари қурилади, уларда ҳам худди шундай шароитлар бўлади.

Касаллик туридан келиб чиқиб, аҳолига уй шароитида бажара оладиган оддий машқларни ўргатиш орқали ҳам минглаб одамлар соғлигини тиклаш мумкин. Маҳалладаги ижтимоий ходимлар ногиронлиги бор шахслар хонадонига уй шароитида қилинадиган машқлар дастури ва соғлом овқатланиш тартибини еслатма қилиб тарқатиши белгиланган. Бу ҳам ижтимоий хизматлар самарадорлигини янада оширади.

Камбағал оила фарзандларини чет тили, ахборот технологиялари ва касб-хунарга ўқитиш учун қўшимча имкониятлар яратилаётгани ҳам муҳим янгиллик бўлди. Хусусан, чет тилига 40 минг, касб-хунарга 15 минг, ахборот технологиялари бўйича 7 минг, тўғарақларга 31 минг ёшлар жалб қилинади, 25 минг нафар ёшлар олийғоҳга тайёрланади. Косонсой ва Тойлоқ тумани тажрибаси асосида ҳар бир туманда “Илк ривожланиш маркази”да машгулотлар ташкил этилиб, шу орқали камбағал оила фарзандларидан 135 минг нафари мактабгача таълимга қамраб олинади.

Юракларга меҳр уруғини
экаётган эзгулик

Бугун юртимизда ижтимоий ҳимоя тизимида рўй бераётган катта ўзгаришлар, ундан баҳраманд бўлаётган инсонлар ҳаётидаги қувончли онларни кўриб, ўқувчилик йилларимиздаги воқеалар осимга тушади. Хусан исмли қишлоқдошимиз жисмоний ва руҳий хасталик туфайли мактабга чиқа олмас эди. Биз унинг уйи олдида ўтиб, мактабга қатнардик. Хусаннинг биз, тенгдошларига ҳавас билан қараб турганини кўриб, унинг хасталигига ишонгим келмасди. Назаримда унга озгина меҳр ва эътибор берилса, соғайиб кетадигандек туюларди. Аммо синфдошларимнинг “Эҳтиёт бўл, жигига тегма, бехосдан ташланиб қолади”, деган гапларини эслаб, унинг ёнидан тезгина ўтиб кетардим.

Яқинда бекатда автобус кутиб турганимда худди қишлоқдошимиз Хусанга ўхшаб оқсоқланиб кетаётган бир нимжонгина болани кўриб қолдим. Жисмоний ва руҳий нуқсонни сезилиб турган бу бола ёлғиз эмасди, 3-4 тенгдоши унга ҳамроҳлик қилиб, бири сумкасини кўтарар, яна бири уни қўлидан етаклаб борарди. Ўқувчилар йўл-йўлакай ниманидир қизгин муҳокама қилиб кетаяпти, боғия бола ҳам туттиб-туттиб бўлса-да, гапга қўшилиди. Синфдошлари ҳам унинг фикрига қўлоқ тутди. Улар биргалишиб автобусга чиқиб кетди. Бу ҳолатни кўриб, демак, меҳр ва эътиборда ҳам гап кўп, деган қарорга келдим.

Кўмакка муҳтож дўстига жисмонан ва руҳан мадад бераётган бу болаларнинг бундай хайрли ишларга кичик ёшидан эш бўлиши уларнинг қалбида меҳр-оқибат, хайр-саховат, олижаноблик, муҳтожларга тиррак бўлиш, яхшилик қилишдек инсоний хислатларининг чуқур илдиэ отишига замин яратяётгани шубҳасиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонларвар ижтимоий ҳимоя сиёсати эса бу хайрли ишлар жамият ҳаётига чуқур сингилшга хизмат қилиб, митти юракларга меҳр деб аталмиш эзгулик уруғини қадаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча учун тенг имкониятлар яратиш, бу жараёнда инклюзив таълимни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, юртимизда илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим йўлга қўйилди.

Келгусида бу хайрли ишлар янада кенгайиб, мактабларда 954 та инклюзив синф очилади. 1867 нафар ногиронлиги бор бола инклюзив синфларда ўқиши йўлга қўйилади. Ногиронлиги бор болаларнинг мактабга келиб-келиш транспорт харажатларининг 75 фоизгача қисmini компенсация қилиш тизими жорий этилади.

Бундан ташқари, ногиронлиги бор инсонларнинг ижтимоий ҳимоясини янада қўлланари реабилитация хизматлари билан марказларида эрго-терапия, физιο-терапия, даволаш-гимнастика хизматлари қамрови оширилади, тиббиёт олийғоҳларида реабилитация кафедралари очилади. Ногиронлиги бўлганларни реабилитация хизматлари билан қамраб олиш ҳам кенгайтирилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ҳам муҳим вазифа. Бу борадаги ишларни ташкил этишга кўмаклашган хусусий бандлик компанияларига 500 миллион сўмгача грант берилади. Бунинг учун 20 миллиард сўм ажратилади.

“ЭКОЛОГИК ИЗ” “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ

ОРҚАЛИ ЎЧИРИЛАДИ



Долзарб мавзу

Олимжон ТҶЙЧИЕВ,
техника фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

2025 йил юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили деб эълон қилинди. Ўрта ва узок муддатда иқтисодиётни “яшиллаштириш”, ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган муҳим ислохотлар бир неча йил аввал бошланган эди. Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларини қабул қилди. 2021 йил августидан 100 мегаватт қувватга эга қуёш электр станцияси ишга туширилди.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили камиди 200 миллион туп дарахт экилмоқда. 2023 йил июнида 500 мегаватт қувватли шамоли электр станцияси қурилиши бошланди ва шу ойдан бошлаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришда экология ҳамда атроф-муҳитга таъсирни чеклаш бўйича талаблар асосида “яшил сертификат”лар тизими жорий этилди. Сентябрьда давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун эканини таъкидлаб, бу йўналишда тақдир ва мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармақларида ресурсларни тежашга қаратилган яна кўплаб самарали чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.



ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИНИНГ ЎРНИ

“Яшил” иқтисодиётга ўтишдаги муҳим вазифалар қаторига иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларни оқилона истеъмол қилиш ҳам қиради. Қайта тикланувчи, “яшил”, муқобил энергетика деган атамалар қуёш, шамоли, гидро-энергетика манбалари билан ёнма-ён қўлланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қуёш “яшил” энергия асосидир. Юртимизда йилнинг 320 кунни қуёшли. Хисоб-китобларга кўра, мана шундай офтобли кунлар қуёш станцияларини қуриш орқали 600 миллиарддан ортиқ киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

2019-2030 йилларга мўлжалланган “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясига мувофиқ, 2030 йилгача Ўзбекистонда иссиқхона газининг ялли ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмасини 2010 йилдаги даражадан 35 фоиз камайтириш режалаштирилган. Шунингдек, қайта тикланувчи энергетика манбалари улушини электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроққа етказиш

мақсад қилинган. Мазкур стратегия доирасида қуёш энергиясидан фойдаланиш 7 гигаваттгача, шамоли энергиясидан эса 5 гигаваттгача оширилиши кутилмоқда. Бу 39,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини бериб, атмосферага 15,9 миллион тонна иссиқхона газини чиқишини ва табиий газ сарфини сезиларли даражада камайтиради.

Ушбу мақсадларга эришиш учун соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи биринчи галдаги вазифалар сирасига қиради. Бойси, юртимизда қуёш энергетикаси соҳасида юқори салоҳиятга эга мутахассислар етишмовчилиги муаммоси мавжуд. “Development of the targeted Educational program for Bachelors in Solar Energy in Uzbekistan” (DEBSEUz) лойиҳаси ана шу масалани ҳал қилишга қаратилган ташаббуслардан. Лойиҳа Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасида “Олий таълим потенциалини ошириш” йўналишида 2023 йилда ўтказилган халқаро танловда голиб деб топилган. У Тошкент шаҳри-

даги Турин политехника университети, Италиянинг Турин политехника университети, Эвора университети (Португалия), Мадрид политехника университети “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети, Жиззах политехника институти, Фарғона политехника институти, Андижон давлат университети, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамкорлигида амалга ошириб келинмоқда.

Европа комиссияси томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳа якунида аккредитациядан ўтган 3 та олий таълим муассасасида қуёш энергияси тизимлари бўйича бакалаврият йўналиши ташкил этилади. Натияжада қуёш энергияси тизимлари ва компонентларини ўрнатиш, бошқариш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича юқори салоҳиятга эга мутахассислар билан таъминлаган ҳолда давлатимизнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш суръатини оширишга улкан ҳисса қўшади.

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Анъанавий автомобиллар бензин ва газ каби ёнилғи билан ишлайди. Бу глобал иссиқ ва экологик муаммоларга олиб келади. Экобиллар эса энергия тежаш билан бирга чиқинди газ ҳажминини сезиларли даражада камайтирадиган инновацион ечимдир. Маълумотларга кўра, жаҳондаги экологик тоза ускуналар бозори ҳар йили ўртача 30 фоиз, жаҳон ялли ички маҳсулотига қўшаётган ҳиссаси 6-7 фоиз ортаётгани кузатилмоқда.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети “Ecomobile Group” компанияси билан ҳамкорликда ушбу глобал тенденцияларга тўлиқ мос келувчи, “яшил” энергиядан фойдаланган ҳолда экологик тоза транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган экобил лойиҳасини амалга оширмоқда. Бундан қўзғалган мақсад нафақат автомобиллар атмосферага чиқарадиган зарарли газини камайтириш, балки энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш таъминлашдан иборат. Лойиҳа доирасида 2026 йилда йилига 100 минг дона экологик тоза энергия манбаларидан фойдаланувчи самардор ва тежамкор электромобиль ишлаб чиқариш қувватига эга завод ишга туширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, электромобиллар учун махсус қувватлаш ва аккумулятор алмаштириш станциялари ташкил этилади. Бу станциялар мазкур турдаги энергия тежамкор транспорт воситаларини бир неча дақиқада тўлиқ қувватлаш имконини беради.

Лойиҳанинг яна бир муҳим йўналиши — Ўзбекистонда электромобилларни монтаж қилиш цехларини очиб ва ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришдир. Бу иқтисодий ривожланишни жадаллаштириб, янги иш ўринларини яратишда ҳам муҳим.

Экобил лойиҳаси Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва экологик барқарорлиқни таъминлаш йўлидаги муҳим ташаббусидир. Электр транспорт воситаларини жорий қилиш ва кенг миқёсда ишлаб чиқариш орқали мамлакатимиз энергия ресурсларини тежаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга сезиларли ҳисса қўиши мумкин. Ушбу лойиҳа нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун барқарор транспорт ечимларини тақдим этади.

Инсониятнинг иқтисодий фаолияти табиатга таъсир этиб, кўплаб экологик муаммоларга олиб келади. Бу муаммоларни бартараф этиш учун эса “яшил” иқтисодиётга ўтиш зарур. Мазкур иқтисодиёт модели табиат билан ҳамомангликни сақлаган ҳолда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган.

Қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш, сув ва ер ресурсларини оқилона бошқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда экологик транспорт тизимларини жорий этиш орқали иқтисодиётни ривожлантириш имконияти яратилади.

Ўзбекистондаги “DEBSEUz” ва “Sphere” каби лойиҳалар қуёш энергияси ва барқарор транспорт тизимларини ривожлантириш орқали янги имкониятлар эшигини очди. Бу ташаббуслар тўғрйли электромобиллар ва электрлаштирилган автобуслар каби экологик тоза технологиялар кенг жорий этилади. Табиат билан ҳамоманглик иқтисодий фаолият табиатнинг сақланишини таъминлайди. Мана шу таъминот сабабли ҳам “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёни бутун энг муҳим ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илгор ташаббус сифатида қўллаб-қувватланимоқда. Бу саяёҳатлар эса, албатта, натижасини беради.



ИССИҚХОНА ГАЗИНИ КАМАЙТИРИШ ВА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

“Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари орасида “яшил” транспорт катта аҳамият касб этади. Чунки транспорт тизими атроф-муҳитга жиддий салбий таъсир кўрсатиши, оқибатда инсон саломатлигига катта хавф туғдириши мумкин. Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, ҳаво ифлосланиши ҳар йили 7 миллионгача инсоннинг эрта ўлимига сабаб бўлади. Жаҳон энергияси истеъмоли ва иссиқхона газининг 20-25 фоизи бевосита транспортлар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистонда ҳам автотранспорт атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри атмосферага автотранспортлар чиқараётган зарарли ташламалар борасида етакчи бўлиб турибди.

Шу каби муаммолар барқарор транспорт тамойилларини жорий этишни долзарб вазифага айлантирди. Юртимизда барқарор транспорт тизимини ривожлантириш мақсадида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент кимё халқаро университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали билан биргаликда Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасида “Sphere” лойиҳасини бошлади. Ушбу лойиҳага асосан, барқарор транспорт тизимлари йўналишида таълим ва тадқиқотни ривожлантиришга қаратилган. Унинг доирасида Ўзбекистондан иштинроқ этаётган олий таълим муассасаларида барқарор транспорт тизимлари бакалаврият таълим йўналишини ташкил этиш режалаштирилган. Инновацион



ва янги технологиялардан фойдаланган комплекс ўқув дастурлари ишлаб чиқиш орқали Европа Иттифоқининг илгор тажрибаларини Ўзбекистон олий таълим муассасаларига жорий этиш белгиланган. 2024-2027 йилларга режалаштирилган лойиҳа доирасида 2024 йил мартда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида дастлабки учрашув бўлиб ўтди. Словения, Греция ва Испанияда ўтказилган тренинг ва йиғилишлар доирасида барқарор транспорт соҳасида янги билим ҳамда тажрибалар ўрганилди. Муҳими, таҳсиллар натижасида 70 дан ортиқ янги фан дастури ишлаб чиқила бошлади.

Инсон фаолиятининг барча тури биомуҳитнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг йўналиши ва миқёсини “экологик инқироз” сифатида баҳолаш мумкин. Мана шундай салбий таъсирни камайтириш учун ҳам “яшил” иқтисодиётга ўтиш ниҳоятда зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги Турин

политехника университети томонидан “Фойдаланишдан чиқарилган “Мерседес-Бенц Конекто” русумли дизель автобусларни электрификация қилиш орқали электробус прототипини яратиш” амалий лойиҳаси йўлга қўйилган. Лойиҳа Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилган.

Лойиҳа иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш таъминлайдиган илмий ҳамда технология захираларини шакллантириш билан узвий боғлиқ. Ҳозир нефть маҳсулотлари захираси камайтириш нарх ошшишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шаҳар транспорт тизимида йўловчиларни ташиш таннархи қимматлашишига ҳам олиб келади. Шаҳар транспорт тизимида ҳаракатланувчи автобусларни электрлаштириш бир қанча муаммолар ечимини беради. Аввало, нефть маҳсулотларига талаб камаяди. Шунингдек, атмосферага чиқинди газ ташланшининг олди олиниб, шаҳар экологияси яхшиланади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, узок йиллар юртимизга импорт қилинган “Мерседес-Бенц Конекто” русумли автобуслар дизель двигатели билан жиҳозланган ва ҳозир улар ўз вазифасини ўтаб бўлган. Лекин автобуснинг бошқа қисмлари, шассиси яроқли ҳолатда. Лойиҳа доирасида завод томонидан ўрнатилган двигателларни электр двигателларга алмаштириш орқали автобусларнинг ишлаш муддати оширилади. Бу эса ресурслардан янада самарали фойдаланиш, харажатларни камайтириш ва умумий иқтисодий самарадорлиқни ошириш демакдир. Айнан мана шулар “яшил” иқтисодиётнинг муҳим талабларидан. Лойиҳа шаҳарлардаги экологик вазиятни яхшилаш ва йўловчиларга қулайлиқни ошириш имконини берувчи экологик тоза ҳамда самарали транспорт воситаси яратишга хизмат қилади.

олмайти. Тўғри, ҳозир “маҳалла еттилиги” томонидан аҳоли томорқасидан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда, имтиёзли кредитлар берилмоқда. Маҳаллаларда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ишланыпти. Афсуски, ҳали бу ишлар тўлиқ самарасини бермаяпти.

Бу борада шахсий намуна бўлиб, уч-тўрт йилдан бери фақат вилоятимиздаги томорқачиларга тажрибамни ўргатиб келаётган бўлсам, Президентимиз таширидан сўнг бир марта уйимда республика миқёсидаги семинар ўтказилди. Бундан ташқари, кўплаб вилоятлардан соҳага қизиққанлар келиб, тажрибамни ўрганиб кетаяпти.

Юқоридида қайд этганимдек, жорий йил мен учун хурсандчиликларга бой бўлди. Таширидан сўнг томорқа ҳўжалигимизни янада ривожлантириш, даромадимиз баракали бўлганини англадим.

Энг муҳим ва эсда қоладиган воқеалардан яна бири — Президентимиз фармонида кўра, тадбиркорлар кўни арафасида “Шўхрат” медали билан тақдирландим. Давлатимиз раҳбари республикамизнинг олд тадбиркорлари қаторида оддий бир томорқачини мукофотлаганидан жуда хурсанд бўлдим.

Албатта, давлат мукофотининг ўзига яраша масъулияти бор. Олдимга янги мақсадлар қўйдим. Келажакда фермер бўлиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этмоқчиман. Асосий мақсадим эса бор тажрибамни оммалаштириб, томорқачилиқни ривожлантириб, аҳолини даромадли қилиш, юртимиз тараққиётига ҳисса қўиши.

Абдумўмин КАРИМОВ,
Шароф Рашидов туманидаги
шахсий томорқа ер эгаси

БОҒ ЖАМОЛИ — БОҒБОНДАН

2024 йил мен учун жуда омадли келди. Аввало, Президентимиз ўтган йилнинг апрель ойида Жиззах вилоятига таширифи чоғида хонадонимизда меҳмон бўлди. Томорқамизни кўздан кечирди, фаолиятимиз, оиламиз, келажакдаги режаларимиз, юртимиздаги ислохотлар ҳақида самимий гаплашдик. Томорқадан қандай фойдаланаётганимни, қанча даромад олаётганимни, томорқачилиқни янада ривожлантириш бўйича таклифларимни, бу борада қандай муаммолар борлигини сўради. Мен тажрибамдан келиб чиқиб билганларимни, таклифларимни, 12 сотих томорқадан бир йилда тўрт мартагача ҳосил олиб, қарийб 200 миллион сўмгача даромад топаётганимни айтдим. Президентимиз хурсанд бўлиб: “Сиздек инсонлар тажрибасини оммалаштириш керак, аҳолимиз ихтиёрида томорқалар кўп, қани энди ҳамма сиздек томорқасидан шундай даромад топса. Сизнинг мисолингизда кўрпимизки, одамнинг ўзида озгина ҳаракат бўлса, албатта, яхшигина даромад топса бўлади”, деди.



ОДАМНИНГ ЎЗИДА ОЗГИНА ҲАРАКАТ БЎЛСА БАС



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



uz_news



yuz



Таълим одимлари

“

2024 йил 20 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағи ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилишини таъкидлади. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади ва янгидан қурилади. Бу мақсад учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилади.



Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Ўтган даврда мактабгача таълим самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўллами ишлар бажарилди. Болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб, салкам 38 мингтага, жумладан, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари 250 тадан 29 мингтага, қамров эса 27 фозидан 76,4 фозига етди. Мактабгача таълим тизимини дунёдаги илгор тажриба асосида мутлақо янгича ривожлантириш борасидаги эзгу тадбирлар бугун ҳам давом этмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олиш вазифаси белгиланган.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2024 йил 20 ноябрдаги йиғилишида таълим сифатини янада ошириш, ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш масалаларига эътибор қаратиб, келгуси йилларда боғчалардаги қамровни 80 фозига етказиш ҳукумат учун асосий вазифа бўлиб қолишини таъкидлади.

БОЛАНИНГ БОҒЧАГА БОРИШИНИМА УЧУН МУҲИМ?

Ҳар бир болада — бир даҳо яширин. Унинг ким бўлиб воғга етиши эса илк ёшларида олган тарбиясига боғлиқ.

“Эрта ривожлантиришдан асосий мақсад бахтли болаларни тарбиялашдир. Болага яхши мусиқа тинглаш, хорижий тилларни ўрганиш имконияти уни тилшунос ёки мусиқачи этиб тарбиялаш мақсадида берилмайди. Асосийси, бола ҳаётидаги хурсандчиликлар янада кўпроқ бўлиши учун унинг чексиз имкониятларини ривожлантиришдан иборат”, деб ёзади таниқли япон олими Масару Ибука “Учдан кейин кеч” китобида.

Мактабгача ёшда хотира, идрок, фикрлаш, нутқ ривожланиши жуда муҳим. Бу даврда боланинг дунё тузилиши ҳақидаги билими муттасил янгиланади, сўз бойлиги ошади, муайян кўникмага эга бўлади.

Бола боғчага бorganида янгича ижтимоий муносабатлар билан танишади. Тенгқурлари билан мулоқот қилади. Шу орқали унда киришувчанлик хусусияти шаклланади. Мактабга бorganида бу кўникма ўқитувчини тушунишга кўмаклашади. У интизом, ҳуққ-атвор

меъёрлари, қондаларига риоя этиш, ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва режалаштиришни ўрганади. Ўз ўрнида уни ўраб турган борлиқ, одам ва олам ҳақидаги билим ва тасавури бойиб боради. Айнан шу паллада ривожланган хусусиятлар боланинг келажагига тамал тоши вазифасини ўтайди. Келгусида ким бўлиб етишиши, атроф-оламга муносабати, дунёқараши, юрт қорига дахлдорлик ҳисси аста-секин камол топади. Яратувчанлик кайфияти, интеллектуал салоҳияти шаклланади.

БУГУН ТУШУНЧАЛАРЎЗГАРДИ:
ҲАММА ОТА-ОНА
ФАРЗАНДИНИ БОҒЧАГА
БЕРИШ ТАРАФДОРИ

Илгари кўп маҳаллада болаларни боғчага қамраб олиш сўст кечган. Айрим ҳолатларда эса зарурат бўлмаса, ота-она фарзандини боғчага бермаган. Мураббийлар уйма-уй юриб, ота-оналарга болани боғчага беришининг аҳамиятини тушунтирган ҳолатларга гувоҳ бўлганмиз. Эҳтиёж бўлса-да, МТТ етишмаслиги туфайли болалар уйда қолиб, мактаб ёшигача зарур билим ва кўникмаларини эгаллай олмаган. 1-синфга чиққанда боғчага борган ва бормаган болалар ўртасида сезиларли фарқ кўзга ташланган. Бу нафақат болаларга, ўқитувчиларга ҳам қийинчилик туғдирар эди.

— Айни пайтда мактабгача таълимга қамраб олинмаган 6 ёшли болаларга ҳам тенг имконият яратиш мақсадида бир йиллик бепул 7601 та мажбурий мактабга тайёрлов гуруҳи ташкил этилди. Уларда 182 мингдан ортиқ 6 ёшли ўғил-қиз бошланғич таълимга тайёрланмоқда. Олти ёшли болаларни мактаб таълимга сифатли тайёрлаш учун “Илм йўли” вариатив дастури ишлаб чиқилган. Бу боғчага бормаган, “Илк қадам” дастурида таълим



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



олмаган болага бир йил давомида дастур асосида мактабга тайёрланиш имконини бермоқда, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги мактабгача таълим тизими фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Лола Бердиева.

Бугун мамлакат бўйича 6 ёшли болаларнинг 96 фози мактабгача таълим ташкилотларидаги тайёрлов, қисқа муддатли ҳамда мажбурий бир йиллик гуруҳларга қамраб олинган.

Болалик — инсон ҳаётининг энг мусаффо палласи. Ҳайрат тўла нигоҳ, самимиятга тўла кичик қалбга муҳрланган илк тасаввур, атроф-оламни билиш ва ўрганиш жараёни кейинчалик борлиқни мукамалроқ тушунишга ёрдам беради. Ана шу мақсадда ташкил этилаётган машғулотлар болаларни мактабга, ўқув жараёнига тизимли тайёрлаб бормоқда.

ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК АВЛОДНИ
ТАРБИЯЛАШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Президентимиз раислигида 2024 йил 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва келгуси вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган йиғилишида яхши тажриба сифатида Тойлоқ ва Косонсой туманларида очилган “Илк ривожланиш марказлари” фаолияти тилга олинди. Марказларда камбағал оиладаги ва ногиронлиги бўлган 4200 болага боғча таълими берилган. Виллот

ҳокимларига бу тажрибани ўрганиб, ҳар бир туманда жорий этиш топширилди.

— Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Болани эрта ривожлантиришни такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида Наманган ва Самарқанд вилоятларида 3 та модель бўйича “Илк ривожланиш марказлари” фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Лола Бердиева. — Биринчи модель бўйича оилаларга борилади. У ерда болалар билан ишлаш, ота-оналарнинг фаол иштирокида “Илк қадам” давлат ўқув дастурига мувофиқ ташкил этилади. Бу бошланғич таълимга кириш имконини оширмоқда. Бу моделда кам таъминланган оилаларнинг 6 ёшгача бўлган 764 фарзанди таълим-тарбия жараёнига жалб этилган.

Иккинчи модель ўйин гуруҳлари фаолиятига асосланади. Бу гуруҳлар 3-7 ёшли болалар учун “Илк ривожланиш маркази”да очилди. Таълим-тарбия жараёни “Илк қадам” давлат ўқув дастурига мувофиқ амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнда ота-оналар ҳам ихтиёрий иштирок этиши мумкин. Турли ёшли болалардан иборат ўйин гуруҳларидаги болалар 15 дан 20 нафаргача бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳларда 1032 ўғил-қиз қамраб олинган.

Учинчи модель бўйича 3-6 ёшгача болалари бўлган, алоҳида таълимга эҳтиёжманд оилаларга борилиб, уларга мактабгача таълим хизматлари кўрсатилади. Ҳозир ушбу модель бўйича 87 бола қамраб олинган. Таълим-тарбия жараёни дефектолог, психолог,

тарбиячилар иштирокида болаларнинг уйида ўтимоқда.

— Бу лойиҳа асосида салмоқли ишлар бажарилляпти, — дейди Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги “Илк ривожланиш маркази” координатори Зарина Зоҳидова. — Асосан, мактабгача таълимга қамраб олинмаган болаларни жалб этиш назарда тутилган. Тогли ва чекка, узоқ ҳудудларда МТТ фаолиятини йўлга қўйиш осон эмас. Баян бола сони етишмаслиги, гоҳида эса аҳоли тарқоқ жойлашгани сабаб бўлиши мумкин. Лойиҳани эса исталган ҳудудда амалга оширса бўлади. Таълим-тарбия жараёни мутлақо бепул ва бу жараёнга ота-оналар ҳам фаол жалб этилган. Биз лойиҳани амалга ошириш жараёнида оилаларнинг ижтимоий ҳолатини ҳам ўргандик.

Бу лойиҳа орқали боланинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш баробарида унинг ёши, индивидуал имкониятлари, қобилияти ва эҳтиёжларига мос равишда жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиши таъминланмоқда.

Алоҳида таълимга эҳтиёжманд болаларни индивидуал ўқув дастурлари, замонавий инклюзив мактабгача таълим-тарбия олиш имконини берувчи қулай муҳит яратилган. Бу эса ўғил-қизларда оиллага, ватанга муҳаббат, халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига, атроф-муҳитга ҳурмат туйғуларини шакллантиради. Қолаверса, лойиҳа орқали боланинг ижтимоий мослашуви ва

бошланғич таълимга тайёрлиги таъминланади. Таълим-тарбия жараёнида кичкинтойларга ва ота-оналарга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда.

— Ногиронлиги бор оилаларга борганимизда стрессли ҳолатларга кўп дуч келганмиз, — дейди Зарина Зоҳидова. — Моддий-маънавий ҳорғинлик ота-онанинг бутун қиёфасида сезилиб туради. “Келинг, болангизни бирга ўқитамиз, унинг ўзига хос қобилияти бор, иқтидорини ривожлантирамиз”, дея уларга руҳан далда берамиз. Педагоглар бола билан ишлаш, қандай ёндашиш зарурлигини ота-оналарга ўргатамиз. Салй-ҳаракатларимиз бесама қетмаётпти. Мактабга чиққан болаларнинг ютуқларини кўриб қувоняпмиз. Кўп болалар соғлом тенгдоши қатори умумий ўрта таълим мактабига бормоқда. Бу ҳам бизнинг ютуғимиз. Ўз қобилигига ўрналиб, уйда қолиб кетган болалар бутун ўқиш, спортда тенгдошларига ўрнар бўляпти. Ментал арифметика, гимнастика бўйича чемпионларимиз бор. Ота-оналарнинг болаларига билдираётган ишончи, қўллаб-қувватлови ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутаяпти. Бу лойиҳанинг аҳамияти нафақат таълим-тарбия, балки инсонийлик, ижтимоийлик нуқтананазаридан ҳам катта.

Машғулотлар бола саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим олиш ва ҳаракатланишга эҳтиёжини таъминлайди, ижодий қобилиятини қўллаб-қувватлайди.

“КЎЧМА БОҒЧА” —
АҚЛИ БОҒЧА

Ўтган йилларда юртимизнинг кўплаб ҳудудига таълим-тарбия учун барча шарт-шароитга эга автобуслар “кўчма боғча” шаклида қайта жиҳозланган ҳолда етказиб берилди. Мактабгача таълим тизими билан барча болаларни қамраб олиш ҳамда тенг шароит яратиш мақсадида “Ақлвой” — мактабгача таълим мобил гуруҳлари шакллантирилган. Мактабгача таълимнинг ушбу муқобил инновацион шакли ўқув-тарбия хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш имконини берди.

— Мактабгача таълим ташкилотларини қуриш мумкин бўлмаган олис ва чекка ҳудудлардаги 156 та маҳаллада 72 та автобус негизда мобил гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Лола Бердиева. — Бу гуруҳларга 9500 га яқин 3-6 ёшли бола қамраб олинди. Автобусларда ташкил этилган мобил гуруҳларда “Илк қадам” ўқув дастури асосида мактабгача таълим-тарбия берилмоқда. Дидактик адабиётлар, фильм ва кўрсатувлар жозибали, кичкинтойларга маънавий озуқа берадиган шаклда тайёрланган. Мақсад — ҳар бир болага мактабгача таълим олиш имконини яратиш.

Болаларнинг боғчада сифатли таълим-тарбия олиши фақат шароит ва машғулотлар билан боғлиқ эмас. Бунда малакали педагогларнинг ўрни муҳим. Соҳага тажрибали мутахассис ва бошқарув кадрларини жалб қилиш натижадада шу кунга қадар 300 мингга яқин ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди.

ЯНГИ АВЛОД — ЯНГИ КУЧ

2024 йил 20 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида халқаро молия институтларининг 61 миллион доллар маблағи ҳисобидан 2025 йилда 252 та янги боғча барпо этилишини таъкидлади. Шунингдек, 174 та боғча ва 379 та мактаб таъмирланади ва янгидан қурилади. Бу мақсад учун бюджетдан 4 триллион сўм ажратилади.

Соҳага зарур маблағ ажратилмоқда. Ўқув-тарбия жараёнида замонавий таълим дастурлари, илгор ахборот ва педагогика технологиялари жорий этилаётти. Янги боғчалар қуриляпти, мавжудлари таъмирланиб, барча шароитлар муҳайё этилмоқда. Мақсад битта — фарзандларимизни билимли, салоҳиятли, жисмонан ва руҳан етук қилиб тарбиялаш. Бу чора-тадбирлар бир кун самарасини беради. Бугун боғчаларда таълим олаётган зукко, ақлли, билимли, иқтидорли ўғил-қизлар кун келиб, давлатимизни тараққий эттириш учун жамятимизга янгича куч бўлиб қўшилиди.



Боқий мерос



Бошланиши 1-бетда

Мақоламизда бу спорт турининг келиб чиқиши, яралиш тарихи ҳақида тўхталмоқчимиз. Қадимги манбаларга кўра, милoddан аввалги икки мингтадан янгиликда дашт ва чўл минтақасида яшовчи чорвадор аҳо-

ли орасида мулкый табақаланиш жараёни кучайиб борган. Жумладан, бугунги давлатимиз ҳудудинда яшаган қабилалар ўтrockдехқончиликка ўтиб, ҳунармандлик соҳалари ривожланиб, шаҳарсозлик маданияти шакллана бошлаган. Ала-оқибат давлат-

КУРАШЛАРДА ТОБЛАНИБ
ЁХУД МОЗИЙ БАҒРИДАГИ ҚАДРИЯТ

чиликнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ўзгаришларига асосланган.

Давлатчиликнинг илк белгилари шакллана бошлаши билан бирга, ер, сув ва бошқа мақсадлар сабаб ташқи душман таъсири ҳамда ички низолар ҳам ортиб борган. Бундай мураккаб вазиятда майдонга она ватан тақдирини зиммасига олган йигитлар чиқди. Биргина мисол, сак-массажет қабилалари сардори Тўмарис ва оддий чўпон Широқнинг Аҳамониюларга қарши курашини кўз олдингизга келтиринг. Ёки Сўғд ўғлони Спитаменнинг енгилмас Искандарга муносиб қаршилиқ кўрсатгани ўша давр ижтимоий, сиёсий ҳаётида ҳарбий жанговарлик руҳи ривожланганидан дарак беради. Айнан шу даврда ибтидоий жамоа тизими емирилиб, ҳарбий демократик қондалар ҳукмронлик қила бошлаган эди. Бу эса ўз ўрнида, ватан озодлиги учун курашувчан шахслар юзага чиқишига имкон яратди. Аста-секин халқ оғзаки ижодида миллий қаҳрамонлар шахсияти, жасурлиги ва бошқа фазилатлари ҳақида қуйилган, халқ олдидagi хизматини акс эттирувчи ривоятлар пайдо бўла бошлади.

Албатта, миллий қаҳрамонлар шаклланишида уларнинг ҳарбий салоҳиятини ўс-

тирувчи ўйин турларининг ўрни катта. Ўзаро урушлар, ички низолар ўша даврдаги ҳар бир эр йигит моҳир чавандоз, мерган, яна чапдаст курашчи бўлиб шаклланишини тақозо этарди.

Археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар кураш азалдан ота-боболаримиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлганини тасдиқлайди. Хусусан, қадимги Бактрия даврига тааллуқли идишларда миллий кураш тасвирлари борлиги аниқланган. Ўша даврда тегишли сопол идишда икки полвоннинг курашаётгани, бирининг оёқдан чиқ солаётгани акс этган тасвир мавжуд. Идишларга ишланган кураш манзараси бронза даврига оид бўлиб, бу эса бугунги Ўзбек миллий кураши илдизлари 3,5 минг йиллик тарихга эга эканидан дарак беради.

Топилманинг ўзинек бугун жаҳон майдонидида катта нуфузга эга бўлиб бораётган бу спорт турининг тарихий илдизи нақадар чуқурлигини кўрсатади. Яна бир топилма отнинг бронзадан ишланган иккита тақаси бўлиб, уларда иккита бир хил ҳолат акс этирилган. Тарихчи олимларнинг ёзишича, улар ишланиш услубига кўра, кўчманчилик даврининг дастлабки босқичларига,

яъни 2,5 минг йиллик тарихга оид бўлиб, сак-скиф қабилаларининг маънавий қарашлари руҳида ишланган. Маълумотларга кўра, бу тақаларда ҳам ўзбек курашининг фарғонача усули тасвирланган. Тақаларнинг бири жимжимадор бўлса, иккинчиси бўртма услубда ишланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тақалар турли вақтларда, турли усталар томонидан яратилган. Уларда тасвирланган паҳлавон сипоҳийлар эғнида узун чалвор, оёқларига чармдан тўқилган пошнасида чорик, белларига тасма боғланган. Отлари эса дарахтга боғлаб қўйилган.

Бир қараганда, тақаларда эгарланган отларнинг полвонлар ортида туришида ҳам муайян маъно мужассам. От суворийнинг барча саргузаштларида ҳамроҳ. Қадимги эпосларда от билан унинг эгаси — паҳлавоннинг бир кунда дунёга келганини англатадиган сатрлар учрайди. Азалдан от ва инсон ўртасида қандайдир янгилик бор. Қадимда ота-боболаримиз фарзанд тарбиясида отдан унумли фойдаланган. Бежиз туркий халқларда болани кичиклигидан от минишга ўргатишмаган. От устида ўтирган кишининг руҳияти кў-

тарилади. Уни бошқариш жараёнида ёш боланинг абжирлиги ва жасурлиги ортиб, ҳушёрроқ бўлади. От миниш одамни чиниктиради.

Навбатдаги топилма милoddи биринчи мингйилликнинг ўрталарига оид қумуш чўмич бўлиб, унинг гардиши сиртида икки паҳлавоннинг олишгаётгани тасвирланган.

Оқоридаги маълумотлар бу спорт турининг мозий бағридаги илдизи жуда чуқурлигидан дарак беради. Бугунги кунда ҳам курашнинг аҳамияти асло қамайгани йўқ. Боиси, айна ғала-ғовур замонда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи халқ педагогикаси олдидида турган долзарб вазифалардан биридир. Ёш авлодни қадриятлар руҳида тарбиялашда турли воситалар ва усуллардан кенг фойдаланиш ижобий натижа беради. Бундай воситалар ва усуллар сирасига миллий спортимиз бўлган курашни киритиш мумкин.

Бугунги кунда ёшлар орасида салбий иллатлар — қашандлик, ичкиликбозлик қабила тарбиясига тушиб қолиш ҳолатлари учраб турибди. Бунинг келиб чиқиш сабаблари эса ёшларнинг аксарияти бўш вақтини мақсадсиз ўтказиши билан боғлиқ.

Кураш билан шугулланиш эса ёшларда тангиллик, мардлик, ўз имкониятларини баҳолаш, раҳм-шафқат, иззат ва ҳурмат, кўрқувни енгитиш, ҳалоллик каби фазилатлар шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Зеро, соғлом муҳит ҳар қандай таълиқ таъсирларга қарши курашишининг асосий кучидир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигига


ТУРКИСТОН ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИ ОТАСИ

Бехбудий (маъноси — яхшилик, соғломлик, фойда, нажот) жамиятни хур, озод, фаровон, миллатни билимли, зиёли кўришни орзу қилган эди. Бугунги янгиланиш жараёнларида жадидларнинг маърифатга йўғрилган гоёлари ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Шу маънода, унинг мероси, синовлар, турли мураккаблиklar, мушкулотларга тўла ҳаёти ва фаолиятида тадқиқ этиладиган эпизодлар талайгина, дейишга асосларимиз бор.



ёпиқ бўлган. Мустақиллик даврига келиб, тарихчилар, мутахассислар бу мавзуга, айниқса, жадидларнинг сиёсий фаолиятига бир оз эътибор қарага бошлади. — дейди тарих фанлари доктори Равшан Абдуллаев. — Ўзбекистон давлат архивларида изланиш олиб бораётган етакчи олимлар жадидлик ҳаракати етакчиларидан бири бўлган Бехбудий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўплаб ҳужжатни ўрганмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижасида унинг ҳаёти ва сиёсий фаолиятига онд янги маълумотлар бирин-кетин юзага чиқмоқда.

Тадқиқотчининг айтишича, Махмудхўжа Бехбудий замондошлари орасида кучли илми билан ажралиб турган, бир нечта тилини билган. У жуда ёшлигидан дунё кеза бошлаган ва қатор мамлакатларда, жумладан, Миср, Шом, Жазоир, Туркия ва Рос-



Ўз давридаёқ “Туркистон жадидлик ҳаракати отаси” деб эътироф этилган аллома бор-йўғи 44 йил умр кўрган. Шу қисқа муддатнинг катта қисми таъзиқ ва таҳдидлар остида кечishiга қарамай, хайрли ишларни бажаришга улғурди, келажак авлод тақдири ҳақида қайғурди. Бутун ҳам унинг гоёлари долзарблигини йўқотмаган. Туркистон жадидлари раҳнамоси, мустақил жумҳурият гоёси байроқдори, янги мактаб-чилик назарийчиси ва амалиётчиси, ўзбек драматургияси асосчиси, ношир, журналист ўзининг сафдошлари, гоёдошлари билан “усули жадид”, “усули савтия” номи билан шуҳрат топган янги мактабларни ташкил қилиб, улардаги ўқитиш тизимини ислох қилди. Хусусий мактаблар очиб, болаларга диний фанлар билан бирга аниқ ва табиий фанларни ўқитди, шеър ва мақолалари ҳамда сахна асарлари орқали миллий онгни шакллантириш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга хизмат қилди.

“Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмайди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ керак. Миллат ва ватаннинг аҳолидан, кундалик ҳаётидан оғоҳ бўлмоқ лозим. Миллат учун ойна керак, токи ундан ўз қабоҳатини ҳам, маълоҳатини ҳам кўра олсин”, деган эди мутафаккир маърузаларидан бирида. Айни мана шу зарурат Бехбудийни театр ва матбуотга эътибор қаратишга ундади.

Аллома жамият ҳаётидаги иллатлар, нуқсонлар ва илмсизликни сахнада кўрсатиш орқали халқни тараққийпарварликка даъват этиш мақсадида 1914 йил миллий театрга асос солади. Унинг “Падаркуш” драмаси катта шов-шувга сабаб бўлади. Илмсизлик фожиа эканини ақс эттирган асарда у ёшларнинг билим эгаси, маданиятли бўлиши лозимлигига ургу бера-

ди. 1911 йилда ёзилган драмаси дастлаб 1912 йилда “Турон” газетасида босилган, сўнг китоб ҳолида чоп этилган. Шундан сўнг тез муддатда Самарқанд, Бухоро ва Тошкентдаги театр сахналарида намоиш этилган. У композицион қурилишига кўра оддий бўлса-да, мазмун-ғоя жиҳатдан анча қамровлидир. Хусусан, ундаги қаҳрамонлар икки кутубда икки хил ҳаракат билан яшайди. Бир томонда бой, ўғли ва унинг гўшталари бўлса, иккинчи томонда домла, зиёли образлари асар гоёсини очишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек драматургиясига, умуман, театрга пойдевор қўйган бу асар ўз даврида Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” драмаси, Мирмуҳсин Фикрийнинг “Бефарзанд Очиқдубой”, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Янги саодат”, “Заҳарли ҳаёт”, Авлонийнинг “Адвокатлик осони?”, “Пинак”, Бадрийнинг “Жувонмарг”, “Аҳмоқ”, Ҳожи Муиннинг “Эски мактаб — янги мактаб” сингари пьеса ва қиссалари ёзилишига туртки берган.

Бехбудий миллий матбуотимиз тарихида ҳам ўз мавқеига эга. Унинг ҳозиргача аниқланган мақолалари 300 тага етади. Бу асарларнинг ёш авлод интелектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, шу асосда ўғил-қизларни янги Ўзбекистон бунёдкорлари, чинакам ватанпарварлар этиб тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти чексиз. Зеро, у қатл олдидан кейинги авлодга ёзган васиятномасида бундай сўзларни битган: “Сизларга васият қиламан: маориф йўлида ишлай тургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифча ёрдам этингиз! Уртадан ниқоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Биздек маориф қурбонларини йўқлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Мумкин қадар кўпроқ янги мактаблар очини, шунингдек, маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади!”.

XX аср ўзбек адабиёти ва санъатида, ижтимоий-сиёсий жараёнларида фаол иштирок этган, миллат маърифати, озодлиги, ҳурлиги йўлида мардонвор курашган бу улус алломининг сермахқақ ва сермахсул фаолияти тарих саҳифаларидан мангу ўрин эгаллади, авлодлар учун ибрат мактаби бўлиб қолди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Бу каби хайрли ишлар кейинги йилларда ҳам жадал давом этди. Истеъдодли драматурглар учун Махмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот таъсис қилингани шу йўлдаги янги амалий қадам бўлди. Миллатни буюк мақсадлар йўлида бирлашишга ундаган мутафаккир бобомизнинг фақат юбилейи эмас, 146, 147, 148 ва 149 йиллик санаси ҳам мамлакат миқёсида кенг нишонланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 27 декабрдаги “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эса буюк алломанинг ҳаёт йўлини ўрганишда янги уфқларни очишга хизмат қилади.

Қарорга кўра, Махмудхўжа Бехбудий фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, аллома таваллудининг 150 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида ташкилий кўмита тuzилдиган ва кўмита томонидан икки ҳафтада амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тасдиқланадиган бўлди. Дастурдан мутафаккир адибнинг “Танланган асарлар” тўплами, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, Махмудхўжа Бехбудий ҳақида спектакллар сахналаштириш ҳамда бугунга қадар яратилган “Махмудхўжа Бехбудий” киносериали ва “Халқ юраги” бадиий-публицистик фильмларининг

оммавий намоишини ташкил қилиш каби вазифалар жой олади.

Шунингдек, “Махмудхўжа Бехбудий сабоқлари” мавзусида иншолар танловини ўтказиш ва гоилибларни муносиб тақдирлаш, 2025 йил октябрида “Махмудхўжа Бехбудий мероси ва жадидлик ҳаракатини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилиш, 2025 йил ноябрида таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали адабий-маърифий хотира кечасини ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бехбудий (маъноси — яхшилик, соғломлик, фойда, нажот) жамиятни хур, озод, фаровон, миллатни билимли, зиёли кўришни орзу қилган эди. Бугунги янгиланиш жараёнларида жадидларнинг маърифатга йўғрилган гоёлари ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Шу маънода, унинг мероси, синовлар, турли мураккаблиklar, мушкулотларга тўла ҳаёти ва фаолиятида тадқиқ этиладиган эпизодлар талайгина, дейишга асосларимиз бор.

У 1875 йил 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитапа қишлоғида муфтий оиласида дунёга келди. Отаси Бехбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Ясавийнинг авлодларидан, она томонидан бобоси Ниёзхўжа урганчилик бўлиб, амир Шохмурод замони (1780-1785 йиллар)да Самарқандга келиб қолган.

Оиладаги муҳит ундаги маърифат ва адабиётга қизиқишнинг тезроқ рўёбга



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

чиқишига имкон туғдирди. Бехбудийнинг отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлиб, бу борада кўплаб китоб ва рисоалар битган эди. Бу, ўз навбатида, Махмудхўжага таъсир ўтказмай қолмади. У кейинчалик бу ҳақда сўзлаб, ҳатто мақолаларидан бирида отаси ёзган “Ҳидоя” (“Ислом ҳуқуқиға шарҳлар”) асарининг ўз ҳаётида катта аҳамият касб этганини алоҳида қайд этган.

— Бехбудий фаолияти ва ўша давр сиёсий ҳаёти тафсилоти собиқ иттифоқ даврида етарлича ўрганилмаган. Сабаби бу мавзу

сиянинг бир неча шахрида бўлиб, Европа маданиятига ҳам қизиқади. Қозон ва Оренбургда чиқадиган араб имлосидаги газета ва журналлар билан ҳамкорлик қилади. Бехбудий мақолалари мазкур нашрларда чиқа бошлайди. Мактаб, маориф, маданият, маърифатпарварлик гоёлари тарғиботи ушбу мақолалар марказида турарди.

XX аср бошларида Туркистонда замонавий таълим тизимига асос солган, миллат озодлиги, халқ фаровонлиги учун курашган Махмудхўжа Бехбудийнинг миллатимиз ва давлатимиз олдида хизмати беқиёс.

Беш ташаббус самараси

Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг илк босқичидаёқ давлатимиз раҳбари китобхонлик ва китоб ўқиш маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратди. Шундан сўнг китобхонлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишга қаратилган илк амалий ишлар бўлди.

Мазкур ислохотларнинг узвий давоми сифатида Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури яъни қилинди. Унга кўра, ёшларнинг интелектуал салоҳиятини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оилавий китоб ўқиш анъанасини йўлга қўйиш мақсадида “Энг яхши китобхон оила” республика танлови ўтказиб келинмоқда. Ушбу танлов ёш оилаларни атрофида бирлаштириб, маънавий-интелектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтириш, жамиятимизда китобхонлиқни кенг тарғиб қилишда катта мактаб вазифасини ўтамоқда.

Ҳар йили танловларнинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида ўтказиларди. 2024 йилда бу анъана ўзгарди. Танловнинг асосий босқичи Жиззах шаҳридаги мухташам кибер аренада ўтказилди. Шунинг ўзиеёқ китобхонлик тарғиботида янги давр бошланаётгани, мутолагага катта эътибор бериллаётганини кўрсатади. Зеро, танловнинг Жиззах шаҳрида ўтказилган финал босқичи вилоятда китобхонлик байрамига айланиб кетди. Жиззахлик йигит-қизлар юртимизнинг бар-

ЁШ КИТОБХОН ОИЛАЛАР — МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИЛАРИ



ча ҳудудларидан келган энг зукко, топқир ва муҳими, китобхон оилаларнинг иштирокини, китоблар ҳақида ҳаяжон ва фаҳр билан сўзлашнинг бевосита кузатиб борди. Бу китоб ўқиш ҳақидаги энг таъсирчан сўзлардан ҳам самаралироқ усул деб ўйлайман. Бундай чора-тадбирлар юксак илмий салоҳиятга, кенг дунёқарашга эга ҳамда қалбда юртга муҳаббат жўш уриб турган ёшлар камолотида жуда муҳим.

— “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ташкил этилган “Ёш китобхон оила” танлови йилдан йилга такомиллашиб, китобхон оилалар сафи тобора кенгаймоқда, — дейди

Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати масъул ходими Мансур Бойсариев. — 2023 йили мазкур танловда иштирок этиш учун 64 минг ёш оила хоҳиш билдирган бўлса, янги мавсумда 94 мингга яқин ёш оила иштирок этиш учун онлайн рўйхатдан ўтди. Бу, албатта, жуда қувонарли. Танловнинг саралаш босқичида иштирокчилар 5 та шарт бўйича беллашиб, ҳар бир вилоятдан бир жуфт энг китобхон оила финал босқичига йўланма олди. Унда иштирокчилар “бадиий асарлар билимдони”, “иншо” ва “тезкор савол-жавоб” шартлари бўйича салоҳиятини намоён этди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ КИЁФАСИ

Ёш китобхон жуфтликлар ҳаяжонда. Тўрт тарафи жадид ёзувчи ва шоирларнинг сурати ва маънавий ёдгорликлари — номма-ном кўрсатилган асарлар рўйхати чиройли ҳусниҳатда жиловланади. Саҳнада эса дарҳат соясида китоб ўқиб ўтирган ота-она ва фарзандлар ақс этган рамзий сурат.

Айниқса, экранда танловнинг финал босқичи иштирокчиларининг сурати намоён бўлганда бир-бирига меҳр-муҳаббат билан боқиб турган келин-куёвлар нигоҳида ёшлиқнинг гўзал таровати бутун маҳобати билан гавдаланади. Улар олдида эркаланиб суратга тушган бегубор болакайларнинг ширин табассумини тасвирлашга сўз ожиз. Янги Ўзбекистоннинг асл киёфаси мана шу бахтиёр оилалар чехрасида намоёндек...

Мамлакатимизнинг 14 ҳудудидан келган ёш оилалар агентлик томонидан тавсия этилган 25 номдаги бадиий адабиётлар мутолааси давомида китобхонлик маданиятини нечоғлиқ эгаллаганини, қанча билимга эга бўлганини намоён қилди. Бу танлов оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилиш билан бирга фарзанд тарбиясига ҳам ижобий таъсир ўтказди.



Танловнинг бош гоёси — китобхонликнинг ҳар бир уйга кириб бориши, бадиий асарлар мутолааси ёш оилалардаги жиғслиқни мустаҳкамлаб, оила аъзолари ўртасида меҳр-муҳаббат, сабр-қаноат, ўзаро тушуниш, ҳурмат, вафо ва садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлади.

ЭЪТИРОФ ЮКСАК ПАРВОЗГА УНДАЙДИ

— Китобхонлик беллашуви — энг интелектуал лойиҳа. Китоблар оналар учун фарзанд тарбиясида асосий ёрдамчи бўлади. Китобхон оналар зукко фарзандларни тарбиялайди. Китобхон болалар китобхон миллат бўлиб шаклланади, — дейди Сурхондарё вилоятидан келган иштирокчи Муборак Ўсарава. — Турмуш ўртоғим билан финалгача етиб келдик. Бир ўғил ва бир қизимиз бор. Бизни кўриб, 3 ёшли қизим ҳам қўлига китоб олиб, ўзинча ўқинишга тутинади. Қўш уясида кўрғанини қилади деб шунга айтишса керак-

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.